УзССР Давлат китоб палатаси
Инв.

Она юртинг — олтин бешигинг

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

| Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган | № 4 (65977)<br>1997 йил, 11 январь, шанба | Сотувда эркин нархда |
|---|---|---|

Муҳаррир минбари

# ҚАЙГА БОРМАЙ, БОШДА ДЎППИМ...

Ярим тунда эшик тақиллади. Очсам, қўшни уйда яшайдиган, яқиндагина қайсидир вилоятдан кўчиб келган келинчак. Қизчасининг кечга яқин ҳарорати кескин кўтарилиб, «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилса, ўрис аёл нималардир дермиш. Бегона тилга тушунмаган бечора қўшним мендан «Тез ёрдам»ни чақириб беришимни сўради. Рақамни тердим ва рус аёлининг ўктам овозда: «Слушаю Вас» деганинини эшитдим. Атайлаб ўзбекча гапирдим. У эса мендан ўрисча гапиришни талаб қилди.

Эртасига эрталаб қўшнимдан хабар олдим. Қизчаси анча тузалиб қолибди. У ўз миннатдорчилигини билдирди. Аммо менга бошқа тилда гапириб бировнинг ҳожатини чиқариб берганим учун миннатдорчилик билдиришлари негадир қизиқ туюлди.

Бир воқеа ҳеч хотирамдан кўтарилмайди. Совет тузуми ҳукмрон пайтлар эди. Ригадаги ёзувчилар уйида бўладиган ёш ижодкорлар семинарида қатнашдим. Рига билан яқиндан танишиш учун унинг олифта кўчаларини пиёда айландим. Денгиз бўйи шаҳри эмасми, бир пасда кеч тушди. Бир пайт атрофга бундай разм солсам, адашиб қолибман. Атрофда ўз юмуши билан у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган туб аҳолидан манзил учун табиийки, ўрис тилида тиллашишим керак. Шундай йўл тутдим. Мен кимдан илтифот билан ижодкорлар уйига қандай борилади деб сўрасам, аввал юзимга диққат билан тикилишардида, ўз тилида дағалроқ гапириб, кетиб қолишарди. Охири, чарчаб, милицияга мурожаат қилдим, уларнинг ёрдами билан манзилимга етиб келдим. Бу воқеани дўстларга айтиб берсам, улар кулишиб; «Ригаликлар бегона тилда гапирган одамни ёқтиришмайди. Уларнинг назарида уларнинг ватанидан, миллатидан, тилидан буюкроқ ҳеч нарса йўқ», — дейишди.

Мен ўшанда, уларга ҳавасим келган эди. Яратганга шукрки, бизнинг хўрланган миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Она тилимизнинг бойлиги, бир буюк миллат гапиргўвчи тил эканлиги тан олиниб унга давлат тили мақоми берилгани, Узбекистоннинг мустақил давлат сифатида эълон этилиши миллий фахримизни, миллий ғуруримизни юксалтирди. Аммо, бир шоир айтганидек, томи паст қурилган уйларда эгилиб яшашга ўрганган одам, пайти келиб баланд томли уйларда ҳам бошини эгиб юради. Бошимни кўтарсам, томга уриб оламан, деб ўйлайди. Шунга ўхшаб ҳанузгача миллий фахримиз бўлган тарихимиз, она тилимиз қадриятларимиз қадрини ҳимоя қилишда, уларни ёт назарлардан асрашда нималардандир чўчиймиз.

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов қачонлардир битиб қўйган:

**Қайга бормай, бошда дўппим,**
**Ғоз юрарман гердайиб,**
**Олам узра номи кетган**
**Ўзбекистон, ўзбегим...**

Бу мисралар ҳар бир ўзбекнинг юрагида буюк фахр туйғусини уйғотади. Мана шу фахр ҳисларига чулғаниб ҳузур қилиб кетаётганингда «покажите карточки», — дейди ёт овоз троллейбусда. Юрагингда нимадир синади. Бўғзингда бир сўз айланиб-айланиб ўлади.

— Ая, мана бу бобо ким, — сўрайди 4 яшар ўғил онасидан мустақиллик майдони бекатидан метродан чиқаркан. Мен у тикилган пештоққа қарадим. Не кўз билан кўрайки, қачонлардир миллатимиз бошига оғир ва қонли кунларни солган «доҳий Ленин»нинг халққа йўл кўрсатиб турган ҳолатдаги сурати тошга ўйиб ишланган экан. Қизиқ, шунча пайт ишга қатнаб, пештоққа кўзим тушмаган экан. Боланинг нигоҳи ўткир-да, у ҳатто юракдаги туйғунинг рангини ҳам кўра олади. Сен жуда кучлисан, болажон, дегим келди унга. Зеро, сен истиқлол томирида улғайиб боряпсан. 1996 йил шавкатимизни дунёга ёйган Амир Темур йили деб нишонланди. Бу байрам миллий ифтихоримиз уфқларига қўйилган навбатдаги қадам эди. Кейинги босилажак қадамлар кўксини озодлик кўтарган, манглайига эрк қуёши лаб босган сен — болажонники бўлади.

Мен сезаяпман, биз қилган хатоларни англаб бир буюк авлод етилиб келаяпти. Унинг қонидаги Ватан, миллат халқ туйғулари улуғвор ва ўктам бўлади. У авлод ўз халқини қалбдан севади ва унинг бағрида ҳеч қурса бир зарра бўлмоқни ҳам ўзи учун ифтихор, шараф деб билади.

Бизнинг ўзбек миллатимиз меҳмондўст халқ. У ҳеч бир мусофирни хафа қилиб қўймайди. Агар қўлидан келса, охирги бурда нонини ҳам меҳмонга тутади. Бу урфга айланган одат бизнинг қадим авлоддан меросдир. Бу ҳам бизнинг энг гўзал миллий фахримиздир. Болажон, сенинг қонингда жўш ураётган ўзбекий туйғу бу одатларни давом эттиражак. Энди сен миллатнинг ғурурини, орини, муқаддаслигини кўз қорачиғидай асрагин.

**Ҳар хору хасларинг жонимга яқин,**
**Кўзим қаросидан яралган тупроқ.**
**Онам соғинчидай маъюс, бокира —**
**Менинг борлиғимсан, эй сирли япроқ.**

**Бир фахр кезади қонимда уйғоқ**
**Қирлар титроғига қоришади тан.**
**Темур нафасидан яралган руҳим —**
**Менинг ғуруримсан, ўзбекий Ватан.**

## РАҚС САНЪАТИМИЗ ГУЛЛАСИН!

Матбуотда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Фармонда миллий рақс санъатини янада юксалтириш, бой тарихий анъаналар ва усуллар тиклаш, махсус таълим тизимини такомиллаштириш, малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўла қондириш каби қатор муаммоларга эътибор қаратилган.



***Чилдирмангни чалгин, болажон***
***Ўзбекча куй тутсин дунёни.***
***Майли, чалгин, озод Ватанда,***
***«Бухоро»ча «Қари наво»ни.***

***Куйимизда қуёш яшайди,***
***Сени мафтун этар ҳарорат.***
***Ўртага туш, ўйна, болажон,***
***Бугун сенинг навбатинг фақат.***

***Чилдирмалар узоқ тинганди,***
***Куйларимиз тортганди хомуш.***
***Бошимизга қўнди, хайрият,***
***Эрк аталган, Хумо деган қуш.***

***Чилдирмани ўзинг, чал юрак,***
***Қуёш билан ўйнайди осмон.***
***Бахт чопонин елкангга ташлаб,***
***«Андижон»ча ўйна, болажон!***

## ИҚТИДОРНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони чиқди. Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодийислоҳотларни амалга оширишда жаҳон андозалари даражасида билим олган заковатли, баркамол миллий кадрларнинг ҳиссаси беқиёс бўлади. Ватанга фидокорона хизмат қиладиган, ўз иқтидори билан она юртни улуғлашга қобил, истеъдодли йигит-қизлардан юксак малакали мутахассислар тайёрлаш — «Умид» жамғармасини тузишдан кўзда тутилган мақсаддир. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «Камолот» жамғармаси ва бошқа корхона ва ташкилотлар «Умид»нинг ҳомийлари бўладилар.

*Қиш қувончлари*






«... Бу миллатнинг эртасини яратувчи болалари бор. Бу болаларнинг юрагида миллий ифтихор илдиз отмоқда.

— Миллат нима? — деб сўрашганда:

— Мен ўзбекман, — дейди улар фахр билан, кўзлари ёниб».

Ана шу яратувчи ўзбек болалари таътилда нима қилишаётир?

— Тўп тепвоммиз, мазза қивоммиз, — дейди улардан бир гуруҳи жўравозда.

— Соғлом авлод бўвоммиз!

— Соғ танда соғлом ақл, — қичқиради яна бири.

— Ватанни севаётирмиз, — дейди табиатни томоша қилаётган, афтидан ўйинга қўшилмаётган (қўшишмаганми?) бошқа бири. Ҳазилми, истеҳзо(?) билан.

— «Соғ танда соғлом ақл»лиги рост. Лекин, ақлни пешлаш учун ўқиш керак.

— Э, э, э...

— Яна ўқишми?

— Муаллиммисиз?

— Нимани ўқиш керак?

— Масалан, Ўзбекистон тарихини, «Алпомиш»ни, «Гўрўғлининг туғилиши»ни.

Қани, айтинглар-чи, ораларингда ким шу китобларни ўқиган?

— Э-э-э...

— Каникулда ўйнаб қолвеиш керак.

— Уқивоммиз.

— Тарих бузиб ёзилган экан, дадам айтди.

— «Алпомиш»ни ўтган йили ўқиганман, кеча «Гўрўғлининг туғилиши»ни ўқиб тугатдим. Кечроқ тарихни бошлайман.

— Отинг нима?

— Худоёр Ҳамдамовман.

— Ўзбекмисан?

— Ўзбекман.

— Манам ўзбекман.

— Менам.

— Ҳаммамиз ўзбекмиз.

## ЗЎР ЭКАН

Танишиб олдик. Сочлари сарғиш, негадир грузинга кўпроқ ўхшаб кетадиган Худоёр Ҳамдамов — Собир Раҳимов туманидаги 22-мактабнинг 7-синф ўқувчиси. Эртак, айниқса, достон ўқишни яхши кўраркан.

— Яқинда «Тўрт улус тарихи»ни ўқидим. Қийналиб бўлсаям ўқидим. Зўр экан!

...Кутубхонага шошиб кирган болакайдан сўрайман:

— Исминг нима?

— Темур.

— Қайси китоблар қизиқтиради?

— «Темур тузуқлари» билан танишиб чиқмоқчи эдим.

— Жуда зўрсан-ку! Ўқитувчинг тавсия қилгандир-да?

— Йўқ, дадам гапириб берган эдилар. Қизиқиб қолдим.

Ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим. Тарихимиз ғуборлардан тозаланмоқда.

## ЎН БЕШ САВОЛГА ЎТТИЗ ЖАВОБ

— Ҳаммамиз ўзбекмиз, дедиларинг-а?

— Нима, ўзбек бўлмай ким эканмиз?

— Ўзбекча гапираяпмиз-ку!

— Хўп, хўп, ўзбек экансизлар. Қани айтинлар-чи, ҳазрати Навоий бобомиз ким бўлган?

— Ўзбек адабиёти асосчиси.

— Ўзбек.

— Абу Али ибн Сино-чи?

— Ўзбек.

— Ҳазрати Яссавий бобомиз-чи? — Ким билади?..

— Ўзбек.

— Авлиё бўлган.

— Алишер Навоий бобомиз неча ёшда ўқишни бошлаган, биласизларми?

— 4 ёшида.

— 4 ёшида?

— Қуш тилини, ёд олган,— деди Худоёр. Сўнг нечукдир қизариб, сўзини тўғрилади. Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут тайр (Қуш тили)» асарини ёд олган. Лекин мактабга етти ёшидан борган. Кўп китоб ўқиган.

— Ибн Сино бобомиз-чи?

— У кишиям кўп китоб ўқиган. У киши зўр дўхтир бўлган.

— Йўғ-э?

— И-йй, дўхтирмас, табиб бўлган.

— Ўзининг кутубхонаси бўлган.

— Ўзиникимас, подшоҳники.

— Ўзиники!!!

— Э, дуп...

— Нима-а?

Шу орада жанжал чиқишига сал қолди. Дарҳол аралашдим.

— Ибн Сино бобомиз зўр табиб бўлган. Китоблари албатта жуда кўп бўлган. Кутубхонасиям бўлган. Лекин бобомизнинг ўзи подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий, подшоҳ Маъмун кутубхоналаридан роса фойдаланганини айтиб, ёзиб кетган. Ҳатто, болалар, биласизларми, у киши: «Ўн етти ёшимгача шунчалик кўп ўқиган эдимки, кейинги ҳаётим — шу билимларимни тажрибада синаб кўриш ва такомиллаштириш бўлди, холос», деган экан.

Сизлар, кутубхонадан, мана, қайси китобларни олиб ўқияпсизлар?

— ...

— Қўл тегмаяпти.

— Вақтивуза йўқ.

— Мен кутубхонадан Бўривой Аҳмедовнинг «Тўрт улус тарихи»ни олдим.

— Уйимизда китоб кўп.

— Бизаникидаям роса кўп. Дадам нуқул китоб ўқийдилар.

— Сен-чи?

— Э, э...

— Мениям дадам нуқул китоб ўқигин, дейверадилар.

— Менам ойимдан қочиб чиқдим. «Китобни ўқи, ўқи...»

— Мен «Тонг юлдузи»да чиқаётган «Ватан билан танишув»ни ўқиб борвомман...

## БУ КИТОБЛАРНИНГ УМРИ ТУГАДИ

«...кутубхонадан янги китобларнинг ёқимли ҳиди анқийди. Ногаҳон, кўзим жавоннинг пастки қисмида чанг босиб ётган, назардан қолган китобларга тушди. Улар Лениннинг томликлари, КПСС тарихи китоблари эди. Уларнинг ичида «Ўзбекистон тарихи» китоби ҳам бор эди. Ўқувчилик йилларимни эсладим...»

«...кутубхонадан қайтар эканман, яна кўзим ўша чанг босиб ётган китобларга тушди. Юрагим ғаш тортди. Ёлғоннинг умри қисқа, деганларидек бу китобларнинг ҳам умри, қадр-қиммати тугади».

«Чангда қолган китоблар», «Тонг юлдузи» 1996 йил 27 декабрь.

**ЮЛДУЗХОН.**

## КЕРАКСИЗ ҚОҒОЗЛАР ЁКИЯНА ЧАНГДА ҚОЛГАН КИТОБЛАР ҲАҚИДА

Энди жумҳурият ўқув ишлаб чиқариш марказидан кеча Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига жўнатилган 35—1 номерли маълумотномани ўқинг.

МАЪЛУМОТНОМА

Республика ўқув ишлаб чиқариш маркази сизга шуни маълум қиладики, ўқув марказимизда коммунистик руҳда ёзилган китоб-дарсликлар, ўқув қўлланмалари, журналлар, газеталар, плакатлар, бадиий асарлар қолмади. Кутубхонадаги қуйидаги дарсликлар: Основа экономических знаний, 18, 10.91 йилги далолатнома билан, История СССР, Новейшая история, КПСС тарихи, 11 июль 1990 йил далолатномаси билан рўйхатдан ўчирилган кераксиз қоғозларни қабул бўлимига топшириш учун тайёрлаб қўйилди.

В.В.Б. Бош раҳбар (имзо) Назарова С. Н.

Кутубхоначи (имзо) Хўжаева Е. Н.

Қалай, ҳалиям кўзингизга ишонмаяпсизми, ё журналист (Юлдузхон)нинг башорати тўғри чиққанига? Ишонаверинг. Рост, ўнг келди. Унг келгандаям чўнг келди. Ёлғон... ёлғоннинг эса... яна умри қисқа бўлди.

Кўчирмага қайтамиз. «...энди уларнинг ўрни болажонларимизнинг севимли маскани — кутубхонада эмас, балки қоғоз чиқиндилари уюмида бўлиши лозим».

Шундай бўлди. Республика ўқув ишлаб чиқариш маркази томонидан: «...кераксиз қоғозларни қабул бўлимига топшириш учун тайёрлаб қўйилди».

Раҳмат ҳақиқат, Ҳаққа раҳмат!

Алвидо, эй, «СССР тарихи» каби кераксиз қоғозлар! Салом, янги ёзилаётган «Ўзбекистон тарихи»миз!

Таътил майдонларидан қайтарканман, (болалар ўйнаётган жойни, шартли равишда, таътил майдони, деб атадик) болалар шитоб билан яна тўп сура кетишди. Тахмин қилдимки, айни дақиқада мамлакатимизнинг юзлаб таътил майдонларида минглаб болалар тўп сураётир. Куч синашаётир. Майли, соғ танда соғлом ақл. Аммо, ақлни пешлаш учун ўқиш керак. Билим манбаи китоблар эса кутубхона — нурхонада — сизга илҳақ; азиз болалар. Қани энди, Кутубхоналар — ТАЪТИЛ МАЙДОНЛАРИНГИЗГА айланса. Ғуборлардан тозаланаётган тарихимизни ўқисангиз. Беғубор тарих беғубор юракларга кўчса.

Токи бемалол: «...бу миллатнинг эртасини яратувчи болалари бор. Бу болаларнинг юрагида миллий ифтихор илдиз отмоқда...» дея олсак.

**Тилагим шу менинг**
**Истагим ҳам шу.**
**Мангу қарор топсин,**
**Шу Ватан мангу.**

**ЎРОЛ ЎЗБЕК.**



*Ўйин авжида...*

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьюте... тер... саҳифаландив... усулида босилди. Ҳаж... 1 босма табоқ
Буюртма — Г -018.
9381 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
1 2 3 4 5 6